

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**  
**СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ П.БОБОЖОНОВ ВА М.ХАЙДАРОВНИНГ**  
**СЕНАТОРЛИК ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ**  
**ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги “П.Р.Бобожоновни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири лавозимига тасдиқлаш тўғрисида”ги 5183-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Пўлат Раззақович Бобожонов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири лавозимига тасдиқланганлигига ва Мамат Эшкулович Хайдаров Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида ёзма ариза берганлигига асосан, уларнинг сенаторлик ваколатлари муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва халқ депутатлари Хоразм ва Сурхондарё вилоят Кенгашларига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М. Абдусаломов**

*Тошкент шаҳри,*  
*2017 йил 15 сентябрь,*  
*№ 850.*